

Anvar XUDOYAROV,
*INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF
UZBEKISTAN, doctor of philosophy PhD, docent of
department of islamic economy and finance, pilgrimage
tourism. a.xudoyarov@iiu.uz, A.Kadiri, Tashkent,
100011, Uzbekistan.*

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЗИЁРАТ ТУРИЗМИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ТАШКИЛИЙ ВА
ИҚТИСОДИЙ ЖИХАТЛАР**

**СПЕЦИФИЧЕСКИЕ
ОРГАНИЗАЦИОННЫЕ И
ЭКОНОМИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ
РАЗВИТИЯ ПАЛОМНИЧЕСКОГО
ТУРИЗМА В УЗБЕКИСТАНЕ**

**SPECIFIC ORGANIZATIONAL AND
ECONOMIC ASPECTS OF THE
DEVELOPMENT OF PILGRIMAGE
TOURISM IN UZBEKISTAN**

Таянч сўзлар: *зиёрат туризми, диверсификация, тадбиркорлик, стандарт, ҳамкорлик, тажриба, ҳуқуқий асослар, хавфсизлик, ҳуқуқий-иқтисодий база.*

Ключевые слова: *паломнический туризм, диверсификация, предпринимательство, стандарт, партнерство, опыт, правовая база, безопасность, правовая и экономическая система.*

Keywords: *tourist, tourism, diversification, entrepreneurship, standard, partnership, experience, legal framework, security, legal and economic system.*

Кириш. Мамлакатимизда туризм индустрияси, жумладан зиёрат туризмини ривожланиши учун давлатимиз томонидан олиб борилаётган сиёсат, унга берилаётган эътибор ҳар жиҳатдан муҳимлигини амалий натижалар кўрсатиб турибди. Жаҳон иқтисодиётида мазкур соҳанинг ривожланиши, унинг иқтисодиётдаги ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ва улушини янада ошириш мақсадида туризм бозорини самарали ривожлантиришга асос яратадиган замонавий илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Глобал иқтисодий инновацион ўзгаришлар шароитида туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденцияларини очиқ бериш ҳамда уни самарали ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш учун ушбу масаланинг методологик-услубий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этиш долзарб вазифа саналади. Бугун жаҳон иқтисодиётида туризм – юқори даромад келтирадиган ва жадал ривожланаётган муҳим соҳалардан бирига айланди³⁴. Юртимизда туризм ривожлани-

³⁴ Isadjanov, Abduvali (2018) «THE SUSTAINABLE DEVELOPMENT GOALS: PRIORITY DIRECTIONS AND ACTUAL TASKS,» The Light of Islam: Vol. 2018 : Iss. 1 , Article 20. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2018/iss1/20>

Глобал иқтисодий инновацион ўзгаришлар шароитида туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденцияларини очиб бериш ҳамда уни самарали ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан ушбу масаланинг услубий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этиш долзарблиги билан аҳамиятлидир. Юртимизда Ҳукуматимиз томонидан туристик соҳани, хусусан зиёрат туризмининг ривожлантириш учун барча зарур шарт-шароитларни таъминлаш, яъни меъёрий-ҳуқуқий асосларни яратиш, умуман олганда, соҳанинг алоҳида турларини рағбатлантириш ва ривожлантириш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга ошириши талаб этилади. Туризм индустриясида фаолият билан шуғулланувчи тадбиркорлар ўртасида ҳалол рақобат муҳитини яратиш, туризм соҳасида фаолият юритувчи туроператорлар фаолиятини тартибга солиш, туристлар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш ва кафолатлаш орқали ушбу соҳанинг ривожланишига тўртки бўлади.

Юртимизда туризм ривожланишининг асосий омилларидан бири тинчлик, барқарорлик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжихатликнинг мавжудлигидир. Мамлакатимиз азал-азалдан ўзининг ажиб ва турфа табиати, бой тарихи, меъморий обидалари, буюк алломалари билан жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатлари аҳолисини ҳам ўзига жалб этиб келмоқда. Таъкидлаш жоизки Республикамизда зиёрат туризмининг ривожлантириш борасида дастлабки қадам ташланди. Республикамиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуслари билан Ўзбекистонда илк бор 2019 йил 21-23 февраль кунлари Бухоро шаҳрида Зиёрат туризми бўйича биринчи халқаро форум ўтказилди. Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасининг халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар билан туризм соҳасида алоқалар ўрнатиши ва ривожлантириши, мамлакатимизга туристлар оқимининг кириб келишини кўпайтириш, туристларга хизмат кўрсатиш учун барча шарт-шароитларни яратиш, хизмат кўрсатиш сифати ва маданиятини ошириш, туристлар хавфсизлигини таъминлаш, туристик индустрияни ташкил қилиш ва ривожлантириш, соҳа бўйича кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи ташкилий-иқтисодий жиҳатлари кўриб чиқилган..

В контексте глобальных экономических инноваций важно изучить методологические и практические аспекты этой проблемы с точки зрения выявления тенденций и особенностей полонимического туризма и совершенствования организационно-экономического механизма его эффективного развития. В нашей стране правительство должно создать все необходимые условия для формирования и эффективного функционирования индустрии туризма, в частности туризма паломников, также создать нормативно-правовую базу и принять соответствующие меры для развития и развития определенных видов туризма. Это будет стимулировать развитие туризма путем создания среды честной конкуренции среди туристических предприятий, которая регулирует деятельность туроператоров, и защищает права и интересы туристов.

Одним из важных факторов развития туризма в нашей стране является мир, стабильность, взаимопонимание и солидарность. Наша страна давно привлекает людей из самых развитых стран мира своей красивой и разнообразной природой, богатой историей, архитектурными памятниками и великими мыслителями. Примечательно, что первый шаг в развитии паломнического туризма стране сделан. По инициативе Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева первый международный туристический форум состоялся в Бухаре 21-23 февраля 2019 года. В этой статье Республика Узбекистан устанавливает и развивает связи с международными организациями и зарубежными странами в области туризма, увеличивает поток туристов в нашу страну, создает все условия для туристов, повышает качество и культуру услуг, а также предоставляет туристическую индустрию. Рассмотрены организационные и экономические аспекты регулирования туризма, также обучением и воспитанием специалистов в этой области.

In the context of global economic innovation, it is important to study the methodological and practical aspects of this problem from the point of view of identifying trends and characteristics of pilgrimage tourism and improving the organizational and economic mechanism of its effective development. In our country, the government must create all the necessary conditions for the formation and effective functioning of the tourism industry, in particular tourism pilgrimages, also create a regulatory framework and take appropriate measures for the development and development of certain types of tourism. This will stimulate the development of tourism by creating an environment of fair competition among tourism entrepreneurs, which regulates the activities of tour operators and protects the rights and interests of tourists.

One of the important factors in the development of tourism in our country is peace, stability, mutual understanding and solidarity. Our country has long attracted people from the most developed countries of the world for its beautiful and diverse nature, rich history, architectural monuments and great scholars. It is noteworthy that the first step in the development of pilgrimage tourism to the country has been taken. With the initiative of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev, the first international tourism forum was held in Bukhara on February 21-23, 2019. In this article gives information about that the Republic of Uzbekistan establishes and develops relations with international organizations and foreign countries in the field of tourism, increases the flow of tourists to our country, creates all conditions for tourists, improves the quality and culture of services, and also provides the tourism industry. The organizational and economic aspects of tourism regulation are examined, as well as the training and education of specialists in this field.

шининг асосий омиллари тинчлик – барқарорлик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжихатликнинг мавжудлигидир. Халқимиз менталитетида бундай туйғулар устувор бўлгани учун ҳам мамлакатимизда туризм ривожланиб, туристлар сони кундан кун ортиб бормоқда. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон,

Шаҳрисабз каби бир неча минг йиллик бой тарихга эга шаҳарларимиз халқаро конференциялар, кўргазмалар, кўплаб нуфузли танлов ва тадбирларга мезбонлик қилмоқда. Мамлакатимиз ўзининг турфа табиати, бой тарихи, меъморий обидалари, буюк алломалари билан дунё аҳлини ўзига жалб

этиб келади. Шу сабабли туризм соҳаси шиддат билан ривожланмоқда. Таъкидлаш жоизки, республикамизда зиёрат туризмини ривожлантириш борасида дастлабки қадам. Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2019 йил 21-23 февраль кунлари Бухоро шаҳрида ўтказилган Зиёрат туризми бўйича биринчи халқаро форум билан кўйилди. Форум доирасида Малайзия муфтийси Перлис Моҳд Асри ибн Зайнул Обидин Ўзбекистоннинг “Фахрий зиёрат туризм элчиси” этиб белгиланди. Бундан кўзланган мақсад Ўзбекистоннинг туристик салоҳиятини дунёга тарғиб қилиш ва шу орқали Ўзбекистонга чет эллик туристларни янада кўпроқ жалб қилишдан иборат.

Туризм индустрияси бўйича ташкилий-иқтисодий ишлар изчиллик билан жадал равишда олиб борилмоқда.

Республикамизнинг соҳада етакчи давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланмоқда³⁵.

Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жомарт Тоқаев 2019 йил 14 апрель куни Ўзбекистонга илк давлат ташрифи чоғида «Ўзбекистонда Қозоғистон йили нафақат икки томонлама муносабатларимизда, балки бутун Марказий Осиёда ўзаро англашув ва ишонч муҳитини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этувчи ўзига хос улкан ходисадир. Мен мамлакатларимизнинг нафақат туркий, балки бутун жаҳон маданияти дурдонаси бўлган бош маънавий ва тарихий марказларини ўзаро боғлашни таклиф этаман. Туркистон, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини бир йўналиш орқали туташтирган ҳолда туризм кластерини очиш мумкин, деб ҳисоблайман», - деди.

Юртимизда туристик соҳани, хусусан зиёрат туризмини шакллантириш ва самарали фаолият юритиши учун барча зарур шарт-шароитларни таъминлаш, яъни меъёрий-ҳуқуқий асосларни яратиш, умуман олганда, соҳанинг алоҳида турларини рағбатлантириш ва ривожлантириш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади. Туризм индустриясида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи субъектлар ўртасида ҳалол рақобат муҳитини яратиш, туризм соҳасида фаолият юритувчи туроператорлар фаолиятини тартибга солиш, туристлар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш ва кафолатлаш соҳанинг ривожланишида асосий туртки бўлади.

Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб Ўзбекистонда жаҳон стандартларига мос

келадиган сайёҳлик тизимини вужудга келтириш, бу соҳани бошқаришни такомиллаштириш, унинг иқтисодий самарадорлигини ошириш мақсадида 1992 йил 27 июлда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбектуризм» миллий компаниясини ташкил қилиш тўғрисида» ПФ-447-сонли фармони қабул қилинган эди³⁶. Бу фармон туризм соҳасини ривожлантириш ва уни янги босқичга олиб чиқиш сари қўйилган дастлабки қадам бўлиб хизмат қилди. «Ўзбектуризм» миллий компанияси мамлакатимизда туризмни ривожлантириш ва миллий моделини яратиш сиёсатини олиб бориш, туристик ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш, туризмнинг барча йўналишлари, яъни анъанавий маданий-тарихий туризм билан бирга зиёрат туризми, экотуризм, геотуризм, гастрономик, этнографик, экстремал, даволаш-соғломлаштириш, альпинизм ва бошқа турларини ҳам ривожлантириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш, соҳанинг моддий-техника базасини, туризм инфратузилмасини яратиш ва туризм соҳасида жаҳон стандартларига жавоб берадиган кадрларни тайёрлаш каби вазифаларини белгилаб олди ва соҳада муайян ишлар амалга оширилди.

«Ўзбектуризм» миллий компаниясининг вужудга келиши ва 1993 йили Бутунжаҳон туризм ташкилотига аъзо бўлиб кириши Ўзбекистон туризми янги воқеа бўлди. Республикада халқаро туризмни янги босқичга кўтариш ва самарали фаолият кўрсатишига мос келадиган янги шарт-шароит ва механизмлари яратилди.

Жаҳон туристик бозорларда етакчи ўринларни эгаллаш мақсадида кўрилган ташкилий-иқтисодий ислохотлар ўз самарасини бермоқда. Халқаро туризмни ривожлантиришда «Буюк Ипак йўли»нинг аҳамияти ҳисобга олинган ҳолда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 2 июндаги «Буюк Ипак йўли»ни қайта тиклашда Ўзбекистон Республикаси иштирокини авж олдириш ва республикада халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони³⁷ ҳамда мазкур фармонни амалга ошириш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 3 июндаги «Ўзбекистон Республикасида халқаро туризмнинг замонавий инфратузилмасини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори³⁸ ҳуқуқий асос бўлди. Бундан ташқари, соҳадаги 1999 йил 20 августдаги Ўзбекистон Республика-

³⁵ Гулямова Г. П., Бабанова Ю. В. СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕХАНИЗМА РЕГУЛИРОВАНИЯ ПРОЦЕССОВ ФОРМИРОВАНИЯ КОНКУРЕНТНОЙ БИЗНЕС-СРЕДЫ // ЭКОНОМИКА И ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВО: АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ, ТЕНДЕНЦИИ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ. – 2019. – С. 49-54.

³⁶ Тошкент ш., 1992 йил 27 июль, ПФ-447-сон (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 й., 9-сон, 375-модда)

³⁷ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 25-сон, 282-модда.

³⁸ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 30-сон, 346-модда; 2010 й., 23-сон, 183-модда; 2012 й., 41-42-сон, 478-модда.

си “Туризм тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 30 июндаги “Ўзбекистонда туризм соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлаш тўғрисида”ги, 1999 йил 15 апрелдаги “2005 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш Давлат дастури тўғрисидаги” фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 3 июндаги 210-сонли “Ўзбекистон Республикасида халқаро туризмнинг замонавий инфратузилмасини барпо этиш тўғрисида”ги, 1998 йил 8 августдаги 346-сонли “Сайёҳлик ташкилотлари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида”ги, 2002 йил 2 сентябрдаги 310-сонли “Ўзбекистон Республикасида меҳмонхона бизнеси ва халқаро туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2003 йил 17 январдаги 33-сонли ушбу қарорни қисман ўзгартириш тўғрисидаги, 2003 йил 11 ноябрдаги 497-сонли “Туризм фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги, “Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари асосини туризм соҳасидаги фаолиятни самарали ва тўғри ташкил этишдаги муҳим омилардан бири бўлиб хизмат қилди.

Бугунги кунда очиқ ва амалий, фаол ташқи сиёсат олиб борилаётгани туфайли мамлакатимизнинг тарихи билан танишиш, бетақрор урф-одатлари ва анъаналарини ўрганиш, меъморий ёдгорликлар мисолида асрий тамаддун ютуқларидан баҳраманд бўлиш истагида бўлган сайёҳлар сони йилдан йилга ортиб бораётир.³⁹ Натижада туризм соҳасидаги ҳамкорлик мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги нуфузи ва обрўсини тобора орттириб бормоқда. Буни қуйидаги мисоллар орқали кўриш мумкин.

Аввало, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрда мамлакат иқтисодиётининг стратегик тармоғи сифатида туризмни жадал ривожлантириш учун қулай иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш, ҳудудларнинг улкан туризм салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш, туризм тармоғини бошқаришни тубдан такомиллаштириш, миллий туризм маҳсулотларини яратиш ва уларни жаҳон бозорларида тарғибот қилиш, туризм соҳасида Ўзбекистоннинг ижобий қиёфасини шакллантириш мақсадида ПФ-4861-сон фармони қабул қилинди. Мазкур фармон бўйича «Ўзбектуризм» Миллий компанияси негизида Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ташкил этилди. Мазкур қўмита туризм соҳасидаги

ваколатли давлат органи этиб белгиланди ва соҳа юзасидан тизимли фаолият олиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномасида 2019 йилнинг Ўзбекистонда «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили» деб эълон қилиниши ва ушбу мурожаатномада инвестицияларни қандай қилиб кўпайтириш, ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш, туризмни ривожлантириш учун соҳага хориж инвестицияларини жалб этиш, кадрлар салоҳиятини ошириш учун комплекс чора-тадбирлар кўриш, кўп ҳолларда бизда соҳанинг қадимий шаҳарларимиз, тарихий-маданий ёдгорликлар доирасида чекланиб қолаётганлигини ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизнинг бетақрор сўлим табиати, миллий кўриқхоналари, тоғли ҳудудларида ҳам туризмни ривожлантириш учун катта имкониятлар мавжудлиги, айниқса, тиббиёт туризми, зиёрат туризми ва экотуризмни ривожлантириш нафақат иқтисодиёт, балки ижтимоий соҳалар ривожланишига ҳам катта туртки бериши таъкидлаб ўтилди. Юқоридаги фикрлар ва **“Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4861 сонли фармони** юзасидан кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан 2019 йил 20 февраль куни Ўзбекистон Республикаси гидлар уюшмаси тузилди. Гидлар фаолияти ўлканинг туристик салоҳиятини тўғри намоиш этишда катта ёрдам беради. Чунки ҳар қандай сайёҳ бошқа мамлакат ёки шаҳарга саёҳат уюштирган вақтида гидлар ёрдамига эҳтиёж сезади. Гид туристга бутун саёҳати даврида ҳамроҳ бўлиб, уни меҳмонхонага жойлаштириш, саёҳатларга олиб бориш, турли қизиқарли маълумотлар бериш вақтида Ўзбекистоннинг туристик имкониятлари ва қулайликлар ҳақида қўшимча маълумотлар тақдим этиши орқали ҳам сайёҳнинг юртимизга бўлган қизиқишини янада орттириши мумкин. Пойтахтимиз Тошкент шаҳрида жорий йилнинг 21-22 февраль кунлари 3-халқаро гидлар форуми бўлиб ўтди. “Ипак йўли - чегарасиз ҳамкорлик” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияда туризм соҳасидаги дунёнинг етакчи давлатларидан етакчи мутахассислар ҳамда Ўзбекистон халқаро ислом академияси ўқитувчилари илмий-амалий маърузалари билан иштирок этдилар.

“2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг бешинчи йўналиши саналган хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат борасидаги устувор йўналишларида ҳам Ўзбекистон ташқи сиёсатда ўзининг миллий манфаатларига асосланган тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ман-

³⁹ Abazova M. V., Bechelov Z. S., Isadjanov A. A. Economic essence and objective necessity of state regulation of agro-industrial complex // Modern Economy Success. – 2017. – №. 2. – С. 19.

фаатдорлик асосида барча қўшни давлатлар билан дўстона ва ўзаро ишонч руҳидаги муносабатларни янада мустаҳкамлашни ўзининг асосий вазифалари сифатида белгилаб олди. Шу йўналишда ўзи учун белгилаб олган аниқ мақсад бўйича стратегик режаларни амалга оширмоқда.

Мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантириш ва миллий моделини яратиш борасидаги сиёсатни олиб бориш, туристик ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича қатор тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Жаҳон бозорларида соҳа бўйича рақобат муҳити кескин кучаймоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон туризм индустриясининг ўсиш суръатларини ривожланган мамлакатлар билан солиштирганда, албатта, бу кўрсаткич анча паст ҳисобланади. Юқоридаги йўналишлар билан бир қаторда Республикаимизнинг табиий, иқтисодий ва тарихий салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда туризмнинг турли шакллари ривожлантириш зарурати кўзга ташланмоқда.

Таҳлил. Шундай экан, мамлакатимиз минтақаларининг ўзига хос табиий, иқтисодий, тарихий-маданий имкониятларидан келиб чиқиб, туризмнинг қуйидаги шакллари ривожлантириш, инвестиция жалб этиш, эркин иқтисодий ҳудудлар яратиш соҳанинг ўсишига туртки бўлар эди.

Бундан ташқари, юртимизда туризмнинг қуйидаги шакллари ривожлантириш имконияти мавжуд: Зиёрат туризми. Ватанимизнинг ислом дини ривожланган минтақалардан бири бўлганлиги туризмнинг ушбу шаклини муваффақият билан ривожлантириш имкониятини яратади. Бугунги кунда Малайзия, Индонезия, Покистон, Саудия Арабистони, Афғонистон, Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари, Марказий Осиё давлатларидан ташриф буюраётган кўплаб туристларнинг асл мақсади Республикаимиздаги обидаларни зиёрат қилиш, танишиш ва ўрганишдан иборат бўлади⁴⁰;

– этник ва ностальгия туризми. Биламизки, кўплаб йиллар илгари Ўзбекистонда ўзлари ёки аجدодлари яшаган кишилар бугунги кунда дунёнинг турли мамлакатларида (Саудия Арабистони, Туркия, МДХ мамлакатлари, Исроил ва бошқаларда) истиқомат қилмоқдалар ва ҳар доим ота юртлари бўлмиш Ўзбекистонга интилишади. Бу ҳолат республикаимизда туризмнинг ушбу шаклини ривожлантириш учун қулай шароит яратади ҳамда янги сайёҳлик маршрутларини очади.

– экскурсия ва ўрганиш (тарихий) туризми. Сайёҳликнинг мазкур турини мамлакатимизнинг қадимий шаҳарлари – Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Хива, Шаҳрисабз каби шаҳарларида ривожланти-

риш мумкин. Бунда асосий эътибор туристларни монументал архитектура объектлари, тарихий ёдгорликлар билан яқиндан таништиришга қаратилмоғи лозим.

– археологик туризм. Мазкур сайёҳлик шаклини Термиз, Кува, Хоразм каби шаҳарларда ривожлантириш мақсадга мувофиқ бўлиб, унда туристларни археологик топилмалар билан таништириш, реставрация ишларида қатнашишини таъминлаш саёҳатнинг мазмунли ўтишини таъминлайди.

– рекреацион туризм. Сайёҳликнинг ушбу шакли дам олиш ва соғломлаштириш мақсадларини кўзда тутди. Унинг бошқа туризм шаклларида фарқи шундаки, унда туристлар узоқ вақт давомида битта шаҳарда бўладилар, маршрутлар сони кам бўлади. Шунингдек, ушбу туризм шаклида авиация транспортидан, энг аввало, чартер рейслардан кенг фойдаланилади. Ўзбекистонда шифобахш ер ости ва минерал сувларнинг мавжудлиги рекреацион туризмни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни вужудга келтиради (Тошкент, Жиззах вилоятлари, Фарғона водийси).

– конференц-турлар. Бундай дам олиш шакли Республикаимизнинг маданий-тарихий марказлари билан танишиш билан бирга конференциялар, симпозиумларда иштирок этиш имконини беради.

Туризм индустриясини ислоҳ қилишнинг яна бир муҳим йўналиши маркетинг соҳасида ишларни фаоллаштиришдан иборат. Бугунги кунда ҳар қандай мамлакатнинг кучли рақобат ҳукм сураётган жаҳон туризм бозорига муваффақиятли интеграциялашуви ва рақобатдош турмаҳсулотлар ишлаб чиқариши маркетинг тадқиқотларини мақсадга мувофиқ йўлга қўйилишига боғлиқ. Жаҳоннинг турли тилларида Ўзбекистон тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олувчи махсус интернет-портал ташкил этиш ҳам республикаимиз туристик имкониятларини тарғиб этишга ижобий таъсир кўрсатади. Унинг муҳим қисми мустақил ахборотларни янгилаб турувчи туризм минтақавий бошқариш органлари саҳифалари бўлиши мақсадга мувофиқ.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизнинг халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар билан туризм соҳасида алоқалар ўрнатиши ва ривожлантириши, мамлакатимизга туристлар оқимининг кириб келишини кўпайтириш, туристларга хизмат кўрсатиш учун шарт-шароитларни яхшилаш, хизмат кўрсатиш сифати ва маданиятини ошириш, туристлар хавфсизлигини таъминлаш, туристик индустрияни ривожлантириш, соҳа бўйича кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий ислохотларни янада жадаллаштириш талаб этилади. Ташкилий жиҳатдан туризм соҳасидаги халқаро ҳуқуқ нормаларини миллий қонунчилигимизга имплементация қилиш ишларини давом эттириш керак. Халқаро туризм бозорла-

⁴⁰ Худаяров А. А., Пирматов Х. Р. Воздействие туризма на национальную экономику Индонезии //Сборники конференций НИЦ Социосфера. – Vedecko vydavatelske centrum Sociosfera-CZ sro, 2014. – №. 39. – С. 262-265.

рида соҳа бўйича етакчи давлатлар билан алоқаларни ривожлантириш ва мазмунан бойитишнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш, туризм индустриясида улкан ютуқларга эришган давлатлар қонунчилигини ўрганиш ва уларнинг ижобий тажрибасидан миллий қонунчилигимизни такомиллаштиришда фойдаланиш зарур. БТТга тааллуқли халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни миллий тилга таржима қилиб тўплам шаклида нашр этиш ва амалий фойдаланиш, сайёҳлик фаолият субъектлари ходимларига чуқур ҳуқуқий билим бериш, туризм ҳуқуқи ва иқтисод соҳасида илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш, халқаро ва миллий ҳуқуқ нормаларига шарҳлар ёзиш, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари яратиш ва чоп этиш, соҳа ходимларининг ҳуқуқий-иқтисодий онги ва маданиятини юксалтириш мақсадида соҳа бўйича тажрибага эга бўлган етакчи давлатларда малакасини ошириш мақсадга мувофиқ бўлади.

ADABIYOTLAR RO'YXATI

- O'zbekiston Respublikasining "Turizm to'g'risida"gi qonuni // Xalq so'zi, 1999yil 20 avgust.
- "2017—2021-yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasini "Faol tadbirkorlik, innovatsion g'oyalar va texnologiyalarni qo'llab-quvvatlash yili"da amalga oshirishga oid Davlat dasturi to'g'risida"gi Farmoni;
- O'zbekiston respublikasi prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2017-yil 16-avgustdagi qarori bilan 2018-2019 yillarda Turizm sohasini rivojlantirish bo'yicha birinchi navbatdagi chora - tadbirlar dasturi.
- Mirziyoyev Sh.M. "Milliy taraqqiyot yo'limizni qat'iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichgako'taramiz" – Toshkent:O'zbekiston, 2017. – 592 b.
- O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning "2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasining rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishidagi" harakatlar strategiyasi.
- Tania Kapiki, Nikoletta Tatari. Quality Management in Tourism Accommodations: The European Flower. Technological Educational Institution of Thessaloniki School of Administration and Economics Department of Tourism Management. 2006. 112 p.Ammosov Yu. PERSPEKTIVY RAZVITIYA. – 2019. – S. 49-54.
- Tuxliyev I.S., Hayitboyev R., Ibodullayev N.E, Amriddinova R.S. Turizm asoslari: O'quv qo'llanma. – Samarqand: SamISI, 2010.
- Xoliqulov A.N. "Mehmonxonalarda servis sifati va samaradorligini oshirish imkoniyatlari (Samarqand mehmonxonalari misolida)" mavzusidagi nomzodlik dissertatsiyasi avtoreferati. – Samarqand, SamISI, 2011. – 10 b.
- Mirzayev Q.J., Musayev B.Sh. Mehmonxona xo'jaligi menejmenti. – Samarqand, 2010.
- Uoker D. (perevod V.N. Yegorova). Vvedeniye v gostepriimstvo. M.: Yuniti, 2012. -735 c.
- Fillipovskiy Ye.Ye., Shmarova L.V. Ekonomika i organizatsiya gostinichnogo xozyaystva. - M.: 2005. – 127 s.
- Yankevich V.S., Bezrukova N.L. Marketing v gostinichnoy industrii i turizme. - M.: Akademiya, 2005. – 197 s.
- D.M.Umarova. M.A.Boronov. Logistika. O'quv qo'llanma T.2016
- Y.K.Korieva. Logistika. O'quv qo'llanma T 2012.
- Amriddinova R. Mehmonxonalarda servis xizmati. – Samarqand, 2011.
- Uzoqov A., Nosirov E., Saidov R., Sultanov M. «Investitsiya loyixalarini moliyalashtirish va ularning monitoringi» O'quv qo'llanma, - T.: «IQTISOD-MOLIYA», 2006y., 377 b.
- Pardayev M.Q. va boshqalar. Mehmonxona xo'jaliklarida samaradorlikni oshirish muammolari. Monografiya. –T.: Iqtisodiyot, 2013.
- Isadjanov, Abduvali (2018) "THE SUSTAINABLE DEVELOPMENT GOALS: PRIORITY DIRECTIONS AND ACTUAL TASKS," The Light of Islam: Vol. 2018 : Iss. 1 , Article 20. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2018/iss1/20>
- Xudayarov A. A., Pirmatov X. R. Vozdeystviye turizma na natsionalnuyu ekonomiku Indonezii //Sborniki konferensiy NIS Sotsiosfera. – Vedecko vydavatel'ske centrum Sociosfera-CZ sro, 2014. – №. 39. – S. 262-265.
- Sadikova R. A. FORMIROVANIYE STRUKTURY INNOVATIONNOGO POTENSIALA //NAUCHNYY ELEKTRONNYY JURNAL «MATRITSA NAUCHNOGO POZNANIYA». – S. 171.
- Gulyamova G. P., Babanova Yu. V. SOVERSHENSTVOVANIYE MEXANIZMA REGULIROVANIYA PROTSESSOV FORMIROVANIYA KONKURENTNOY BIZNES-SREDY //EKONOMIKA I PREDPRINIMATELSTVO: AKTUALNYYE VOPROSY, TENDENSII I PERSPEKTIVY RAZVITIYA. – 2019. – S. 49-54.
- Abazova M. V., Bechelov Z. S., Isadjanov A. A. Economic essence and objective necessity of state regulation of agro-industrial complex //Modern Economy Success. – 2017. – №. 2. – C. 19.
- Xoliqulov A.N. "Mehmonxonalarda servis sifati va samaradorligini oshirish imkoniyatlari (Samarqand mehmonxonalari misolida)" mavzusidagi nomzodlik dissertatsiyasi avtoreferati. – Samarqand, SamISI, 2011. – 10 b.
- O'zbekiston iqtisodiy axborotnomasi URL/<http://www.EVU.UZ> 2017
- Klaus Schwab World Economic Forum The Global Competitiveness Report 2017-2018
- "Compendium of tourism statistics» 21 st Edition published by the WTO,printed by Spain - 2016
- <http://www.techart.ru/>- Marketingovyy konsalting i autorsing
- <http://www.stat.uz/>- Davlat statistika Qo'mitasi
- URL: <http://www.press-service.uz/>-O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Matbuot xizmati rasmiy sayti
- O'zbekiston Milliy axborot agentligi malumotlari. <http://www.uz.uz>.